



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-497

« » 20 г

**Шеробод тумани “Қўрғон” маҳалласи
“Охунбобоев” кўчасидан Термиз шаҳрида
фаолият юритаётган “Universal Mobile Systems”
МЧЖга “Антенa мачтаси қуриш ҳамда
технологик воситаларни ўрнатиш” учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва Электрон ҳукумат тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 18 майдаги ПҚ-4321-сон ва “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 22 майдаги ПҚ-4329-сон қарорларининг 4 ва 9-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/551-сон йиғилиш баёни, Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 16 июлдаги 01-05/898-сон ва “Universal Mobile Systems” МЧЖнинг 2020 йил 03 августдаги 01uz11/0190-и-сон хатларини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/551-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Қўрғон” маҳалласи “Охунбобоев” кўчасидан Термиз шаҳрида фаолият юритаётган “Universal Mobile Systems” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги 0,035 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Антенa мачтаси қуриш ҳамда технологик воситаларни ўрнатиш” учун ва 20,4 кв.метр қурилиш майдонлари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонқулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов